

UDK: 378.014.543:001.895(575.1)

JEL: I23, I22, O31, O38

Абдуллоев Комилжон Файзуллоевич,

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчи.

E-mail: akf2205@mail.ru; ORCID: 0009-0001-1362-6323.

«МОЛИЯВИЙ ЖИХАТДАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭВОЛЮЦИОН БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ Мазкур мақолада «молиявий жихатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси» тушунчасининг назарий-концептуал асослари ва унинг Ўзбекистонда шаклланиш эволюцияси таҳлил қилинган. Университет автономияси, жумладан молиявий автономия ҳодисасининг халқаро илмий адабиётлардаги турли талқинлари (B. Clark, H. Etzkowitz, L. Leydesdorff, J.G. Wissema, I.M. Pandey, G. Hills, M. Beloff, И.В. Абанкина, А.Д. Квашин ва бошқалар) умумлаштирилиб, тушунчанинг муаллифлик таърифи тақлиф этилган. Инглиз-саксон, континентал Европа ва постсовет моделлари қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг Ўзбекистон шароитига мослашуви кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017–2025 йилларга оид статистик маълумотлари асосида давлат олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ривожланишининг етти босқичи ажратилган. Тадқиқот натижасида шаклланаётган «ўзбек модели»нинг гибрид хусусияти асосланган, амалга ошириш жараёнидаги асосий тизимли муаммолар аниқланган ҳамда технология трансфери маркази (ТТМ) ташкил этиш, «40-30-30» рағбатлантириш тизими, спин-офф компанияларни қўллаб-қувватлаш ва васийлик (эндаумент) фондларини яратиш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий мустақиллик, олий таълим муассасаси, университет автономияси, тадбиркорлик университети, уч томонлама спирал, кузатув кенгаши, диверсификация, технология трансфери маркази.

АННОТАЦИЯ В статье анализируются теоретико-концептуальные основы понятия «финансово независимое государственное высшее учебное заведение», а также эволюция его становления в Узбекистане. Обобщены различные трактовки феномена университетской автономии, в частности финансовой автономии, представленные в международной научной литературе (B. Clark, H. Etzkowitz, L. Leydesdorff, J.G. Wissema, I.M. Pandey, G. Hills, M. Beloff, И.В. Абанкина, А.Д. Квашин и др.), и предложено авторское определение данного понятия. Проведён сравнительный анализ англосаксонской, континентально-европейской и постсоветской моделей, показана их адаптация к условиям Узбекистана. На основе статистических данных Министерства высшего образования, науки и инноваций и Министерства финансов Республики Узбекистан за 2017–2025 годы выделены семь этапов развития финансовой самостоятельности государственных вузов Узбекистана. В результате исследования обоснован гибридный характер формирующейся «узбекской модели», выявлены основные системные проблемы её реализации, а также разработаны практические рекомендации по созданию центров трансфера технологий, внедрению стимулирующей схемы «40-30-30», поддержке спин-офф компаний и формированию эндаумент-фондов.

Ключевые слова: финансовая самостоятельность, высшее учебное заведение, автономия университета, предпринимательский университет, тройная спираль, наблюдательный совет, диверсификация, центр трансфера технологий.

ABSTRACT This article analyzes the theoretical and conceptual foundations of the concept of a "financially independent state higher education institution," as well as the evolution of its

formation in Uzbekistan. Various interpretations of university autonomy, particularly financial autonomy, presented in the international scholarly literature (B. Clark, H. Etzkowitz, L. Leydesdorff, J.G. Wissema, I.M. Pandey, G. Hills, M. Beloff, I.V. Abankina, A.D. Kvashin, and others) are synthesized, and an original definition of the concept is proposed. A comparative analysis of the Anglo-Saxon, Continental European, and post-Soviet models is conducted, demonstrating their adaptation to the conditions of Uzbekistan. Based on statistical data from the Ministry of Higher Education, Science and Innovation and the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan for 2017–2025, seven stages in the development of financial independence of state higher education institutions in Uzbekistan are identified. As a result of the study, the hybrid nature of the emerging "Uzbek model" is substantiated, the main systemic problems of its implementation are identified, and practical recommendations are developed for establishing technology transfer offices, introducing a "40-30-30" incentive scheme, supporting spin-off companies, and creating endowment funds.

Keywords: financial independence, higher education institution, university autonomy, entrepreneurial university, triple helix, supervisory board, diversification, technology transfer center.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз. Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир», – деб таъкидлаган эди [1]. Янги Ўзбекистонда айнан ушбу йўл билан бориб, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизими туб ўзгаришлар босқичини бошдан кечирмоқда: рақамли технологияларнинг жадал интеграциялашуви, сунъий интеллектга асосланган персонал таълим моделлари, ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ёндашув анъанавий ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқишга олиб келмоқда. Постиндустриал жамиятда университетларнинг ролининг ўзгариши уларнинг давлат ва бозор билан муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишга олиб келди. Давлат томонидан тўлиқ тартибга солинадиган муассасалардан университетлар юқори даражадаги автономия ва ўз молиявий барқарорлиги учун масъулиятни ўз ичига олган моделларга қараб ривожланмоқда [5]. Бундай шароитда Ўзбекистон каби ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун «молиявий жиҳатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси» тушунчаси нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тадқиқотнинг долзарблиги куйидаги омиллар билан белгиланади: биринчидан, 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон қарор билан 35 та етакчи давлат университетига молиявий автономия берилиши [3]; иккинчидан, 2024 йилдан бошлаб ушбу жараённинг институционализация босқичига ўтганлиги; учинчидан, мазкур ислохотларнинг олий таълим муассасалари даромад тузилмасига таъсирини баҳолашнинг илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаганлиги. Хусусан, 2021 йилда давлат олий таълим муассасалари даромадларининг ўртача 72 фоизи бюджет маблағлари ҳисобига шаклланган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 55 фоизга тушиб, бюджетдан ташқари даромадлар улуши 45 фоизга етди [20]. Мазкур тенденция молиявий мустақиллик концепциясини тизимли илмий таҳлил қилиш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Тадқиқотнинг мақсади университетларнинг молиявий мустақиллигини аниқлашнинг мавжуд ёндашувларини танқидий таҳлил қилиш, тегишли тушунчанинг муаллифлик таърифини шакллантириш, концепцияни амалга оширишнинг асосий элементларини аниқлаш ҳамда Ўзбекистон университетлари молиявий мустақиллигининг ривожланиш мезонлари ва даврийлаштиришини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. Университетлар молиявий мустақиллигини аниқлашнинг мавжуд ёндашувларини танқидий таҳлил қилиш;
2. Тегишли тушунчанинг муаллифлик таърифини шакллантириш;
3. Концепцияни амалга оширишнинг асосий тамойилларини аниқлаш;
4. Ўзбекистон университетлари молиявий мустақиллиги ривожланишининг даврийлаштиришини ишлаб чиқиш;
5. Халқаро тажриба ва миллий хусусиятларнинг ўзбек моделига таъсирини баҳолаш;
6. Амалга ошириш жараёнидаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тадбиркорлик университети назариясининг асосчиси америкалик социолог Бертон Кларк ҳисобланади. Унинг «Creating Entrepreneurial Universities: Organizational Pathways of Transformation» (1998) асарида беш европа университети мисолида тадбиркорлик университетига хос бешта «трансформация йўли» аниқланган: кучли бошқарув ядроси, кенгайтирилган ривожланиш периферияси, диверсификацияланган молиялаштириш базаси, фаоллаштирилган академик «юрак» ва тадбиркорлик маданияти [5]. Кейинчалик муаллиф ушбу концепцияни ривожлантириб, ўзгаришнинг институционал жиҳатдан барқарорлашуви масаласини кўтарган [6].

Университет-давлат-бизнес ҳамкорлигининг назарий асосини Генри Ицковиц ва Лоэт Лейдесдорфнинг «Уч томонлама спирал» (Triple Helix) модели ташкил этади. 1995 йилги дастлабки мақолада муаллифлар университет, саноат ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг билимга асосланган иқтисодий ёлғун «лаборатория» вазифасини бажаришини асослаган [7], кейинги ишларида эса модель билим иқтисодиётини таҳлил қилиш учун умумназарий асос сифатида ривожлантирилган [8].

Голланд олими Ханс Виссема «Towards the Third Generation University» (2009) асарида университетларнинг эволюциясини уч авлодга бўлиб таҳлил қилган: биринчи авлод (ўрта асрлар университети), иккинчи авлод (Гумбольдт модели) ва учинчи авлод билимни тижоратлаштирувчи, стартап ва технопарклар билан фаол ишлайдиган «халқаро ноу-хау марказлари» [9].

Университет автономиясининг молиявий ўлчовларини баҳолашда Б. Джонгблуд, Ф. Кайзер ва Ж. Салми каби олимларнинг ишлари муҳим ўрин тутди улар ресурсларга боғлиқлик назарияси нуқтаи назаридан университетларнинг молиявий мустақиллик даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиққан. Ж. Салмининг «The Challenge of Establishing World-Class Universities» (2009) асарида эса етакчи университетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш механизмлари батафсил ёритилган [10]. Европа университетлари ассоциацияси (EUA) томонидан Т. Эстерманн раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотларда молиявий автономия университетнинг бюджетни мустақил тақсимлаш, қарз олиш, мулкдан фойдаланиш ва ортиқча маблағни кейинги йилга ўтказиш ҳуқуқлари орқали ўлчанади [11].

Рус олимларининг тадқиқотлари

И.В. Абанкина (ОТА Иқтисодий тадқиқотлар институти, Москва) раҳбарлигида бюджетдан ташқари молиялаштириш моделлари, автоном муассасаларга ўтиш тажрибаси ва давлат номинал молиявий мажбуриятлари механизми бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган [12]. Унинг ҳамкори Т.В. Абанкина эса эндаумент фондлари ва автоном муассасаларнинг молиявий оқимларини моделлаштириш масалаларига бағишланган ишлар муаллифидир [13].

А.Д. Квашининг «Совершенствование финансового механизма автономных высших учебных заведений в России» номли тадқиқотида автоном муассасалар молиявий механизмини оптималлаштириш зарурати асосланган; муаллиф бу борада С.А. Беляков, Т.Л. Клячко, Д.Г. Сандлер каби рус тадқиқотчиларининг ишларига таянган [14].

Ўзбекистонда мавзу нисбатан янги бўлиб, олий таълимни молиялаштириш ислохотлари асосан амалий-сиёсий таҳлиллар ва норматив ҳужжатлар шарҳи шаклида ёритилган. Хусусан, 2019 йилда Давлат дастурининг 221-банди доирасида олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва уларга молиявий мустақиллик бериш чоралари белгиланган [15]. З.И. Жумакулов томонидан ўтказилган халқаро тажриба таҳлили бир нечта самарали моделларни (инглиз-саксон, континентал, постсовет) аниқлаган ва уларнинг Ўзбекистон шароитига мослашув йўналишларини кўрсатган [16]. Шунингдек, олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг замонавий механизмларига бағишланган мақолаларда О.Т. Ҳайитов [17], Ш.Ш. Зокиров [18] ва М.М. Қўзибоев [19] томонидан ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотларда давлат олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигига ўтиш жараёнидаги асосий тўсиқлар, жумладан, ғазначилик назоратининг сақланиб қолиши, кузатув кенгашларининг заифлиги ва молиявий бошқарув соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги қайд этилган.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, чет эл ва рус адабиётларида университет молиявий автономиясининг назарий-концептуал асослари, ўлчов мезонлари ва бошқарув механизмлари етарлича чуқур ишлаб чиқилган, бироқ Ўзбекистон шароитида бу концепциянинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тадқиқ этилиши ҳали тизимли илмий асосга эга эмас. Айнан ушбу бўшлиқ мазкур тадқиқотнинг илмий янгилигини белгилайди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот методологик асосини қуйидаги усуллар мажмуи ташкил этади:

- **норматив-ҳуқуқий таҳлил усули** – Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини таҳлил қилиш орқали ислохотларнинг ҳуқуқий базасини аниқлаш;

- **қиёсий таҳлил усули** – инглиз-саксон, континентал Европа ва постсовет моделларини бир қатор мезонлар (молиялаштириш манбалари, бошқарув эркинлиги даражаси, мулк ҳуқуқлари, манфаатдор томонлар иштироки, давлат роли) бўйича қиёслаш;

- **тарихий-даврийлаштириш усули** – 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг статистик кўрсаткичлари ва норматив ҳужжатлар асосида изчил bosқичларга ажратиш;

- **контент-таҳлил усули** – илмий адабиётлардаги «молиявий автономия» тушунчасининг турли таърифларини умумлаштириш ва муаллифлик таърифини шакллантириш;

- **статистик таҳлил усули** – 2017–2025 йиллардаги давлат олий таълим муассасалари даромад тузилмаси, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар нисбати ҳамда қабул кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг статистик маълумотлари, Молия вазирлигининг ҳисоботлари, шунингдек хорижий ва рус тилидаги илмий манбалар таҳлили ташкил этади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Университетларнинг молиявий мустақиллиги ҳақидаги назарий қарашлар университет автономияси тўғрисидаги узоқ давом этган илмий мунозараларга асосланади. Хорижий адабиётларда молиявий автономия кўпинча умумий институционал автономиянинг ажралмас қисми сифатида қаралиб, жамоатчиликка ҳисобдорлик доирасида ресурсларни бошқариш эркинлигига урғу берилади [11]. Турли муаллифларнинг ёндашувлари 1-жадвалда умумлаштирилган.

1-жадвал

Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигига берилган таърифлар

Муаллиф	Таъриф
И.М. Пандей (I.M. Pandey)	Молиявий автономия – бу «муассасанинг устуворликлари ва ички қоидаларига мувофиқ маблағларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш эркинлиги». Молиявий автономиясиз муассаса тўлиқ институционал автономияга эга бўла олмайди [21].
Сэр Грэм Хиллс (Sir Graham Hills)	Университетларнинг кўпчилиги «марказий ҳукуматга молиявий қарамликнинг ачинарли ҳолатига» тушиб қолган. Ҳақиқий мустақиллик университетларга ўз харажатларини белгилаш ва тўловларни ундириш имконини берувчи ислохотларни талаб қилади [22].
Макс Белофф (Max Beloff)	Мустақил университет – «солиқ тўловчилар эмас, балки ўқиш тўловлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган», яъни давлат таъминот тизимидан ташқарида мавжуд бўлган муассаса [23].
И.В. Абанкина	Университетларнинг юқори натижаларга эришиши учун автономия, жумладан молиявий автономия асосий шарт ҳисобланади [12].
А.Д. Квашин	Давлат университетларининг молиявий мустақиллиги уларнинг автоном муассасалар сифатида ишлаши нуктаи назаридан ўрганилиб, молиявий механизмни оптималлаштириш зарурати таъкидланади [14].
Муаллифлик таърифи	Молиявий жиҳатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси – давлат томонидан таъсис этилган, аммо қонун ҳужжатлари доирасида ўз даромад манбаларини (бюджет маблағлари, таълим тўловлари, грантлар, тadbirkorлик фаолияти) мустақил шакллантириш, уларни тасарруф қилиш, мол-мулкдан фойдаланиш ва стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаш бўйича кенг ваколатларга эга бўлган, жамият ва давлат олдидаги ҳисобдорлигини сақлаган ҳолда фаолият юритувчи ноtijорат ташкилот.

Молиявий жиҳатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси ва анъанавий давлат муассасаси ўртасидаги асосий фарқ молиялаштириш парадигмасининг ўзгаришида намоён бўлади – яъни «ажратилган маблағларни ўзлаштириш»дан «ресурслар портфелини бошқариш»га ўтишда [11]. Бунда молиявий мустақиллик давлат томонидан молиялаштиришдан тўлиқ воз кечишни англатмайди: бюджет маблағлари университет ўз фаолияти орқали кўпайтириши керак бўлган асосий кафолатланган даромад вазифасини бажаради.

Ўзбекистондаги молиявий жиҳатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси концепцияси норматив-ҳуқуқий база ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида келиб чиқадиган бешта асосий тамойилга асосланади (2-жадвал).

Ўзбекистонда концепцияни амалга оширишнинг асосий тамойиллари

Тамойил	Таркиб	Амалга ошириш механизмлари
Субъективлик	Давлат тўғридан-тўғри самаралироқ амалга оширилиши мумкин бўлган ваколатлар ва ресурсларни университет даражасига ўтказди.	Бюджетдан ташқари маблағларни бошқариш ҳуқуқларини ўтказиш, штат жадвалини мустақил тасдиқлаш.
Диверсификация	Ягона манбага (давлат бюджети) боғлиқликни камайтириш учун кўп каналли молиялаштиришни ривожлантириш.	Пуллик таълим, илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кичик инновацион корхоналар, битирувчилар билан ишлаш.
Шаффофлик	Даромад ва харажатлар манбалари бўйича давлат, жамият ва манфаатдор томонларга ҳисобот бериш.	Молиявий ҳисоботларни веб-сайтда нашр этиш, мустақил аудитлар, кузатув кенгашлари назорати.
Масъулият	Берилган эркинликнинг мутаносиблиги ва фаолият якуний натижалари учун жавобгарлик.	Самарадорликни мониторинг қилиш, кўрсаткичлар қониқарсиз бўлганда бошқарувни ўзгартириш имконияти.
Стратегик йўналганлик	Молиявий сиёсатнинг узок муддатли ривожланиш дастурига бўйсундирилиши.	Молиявий стратегияни ривожлантириш дастурининг бир қисми сифатида ишлаб чиқиш, бюджетни асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) билан боғлаш.

Молиявий жиҳатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси концепциясининг Ўзбекистонда шаклланиши муваффақиятли хорижий амалиётларнинг сезиларли таъсири остида содир бўлди. Ўзбек тадқиқотчилари томонидан ўтказилган халқаро тажриба таҳлили бир неча самарали моделларни аниқлади [16].

Инглиз-саксон модели (Буюк Британия, АҚШ) университетларнинг юқори даражадаги автономияси, хусусий молиялаштиришнинг катта улуши (ўқиш тўловлари, хайрия маблағлари) ва ресурслар учун кучли рақобат билан тавсифланади. Ушбу моделнинг бошқарув ва молиявий назорат стандартлари Ўзбекистондаги халқаро стандартли университетлар – Тошкентдаги Вестминстер халқаро университети (WIUT), Инха университети (IUT) ва TEAM University фаолиятида ўз аксини топган. Гарчи ушбу муассасалар хусусий/хорижий университетлар бўлса-да, уларнинг бошқарув тажрибаси ва молиявий мустақиллик механизмлари давлат университетлари учун намуна бўла олади.

Континентал Европа модели (Германия, Нидерландия, Австрия) тарихан давлатнинг кучлироқ ролига асосланган, аммо 20-асрнинг охиридан бошлаб глобал бюджетлар ва давлат-университет шартномавий муносабатлари орқали автономия томон

хам ҳаракатланмоқда: университетлар жараён учун эмас, натижалар учун жавобгар бўлади [11].

Постсовет трансформация модели (Россия, Қозоғистон) дастлабки шароитларнинг Ўзбекистонни кига яқинлиги сабабли алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу мамлакатларда молиявий автономияга ўтиш «федерал», «миллий тадқиқот» ва «флагман» университетлар тоифаларининг яратилиши билан бирга амалга оширилди. Россияда узоқ муддатли барқарорлик воситаси сифатида васийлик фондлари (мақсадли капитал) фаол ривожланмоқда [13].

Ўзбекистон ушбу моделларни ўз шароитларига мослаштириб, эволюцион йўлни танлади: 1990-йиллардаги баъзи МДХ мамлакатларидаги «шок терапияси»дан фарқли ўлароқ, ислохот чекланган миқдордаги энг яхши тайёрланган университетларга мустақиллик беришдан бошланди (пилот лойиҳа).

Миллий қонунчилик, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг статистик маълумотлари [20] ва илмий нашрларни таҳлил қилиш асосида давлат олий таълим муассасалари молиявий мустақиллиги ривожланишининг етти асосий босқичи аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда давлат ОТМларининг молиявий мустақиллиги ривожланиш босқичлари

Босқич	Давр	Асосий хусусиятлар	Норматив база / натижалар
1. Мустақилликнинг дастлабки йиллари	1991–1996	Совет тизимидан мерос қолган марказлашган бошқарув, бюджет молиялаштиришининг устуворлиги, иқтисодий мустақилликнинг деярли йўқлиги.	Янги қонунчилик базасини шакллантириш бошланди.
2. Қонунчий асоснинг яратилиши	1997–2000	«Таълим тўғрисида»ги Қонун (1997) қабул қилинди, пуллик-контракт тизими жорий этилди.	ОТМга қабул 9% дан кам [20]. Бюджетдан ташқари даромадлар улуши 5–8% атрофида.
3. Тартибга солинган молиялаштириш даври	2001–2010	Ҳазначилик назорати кучайтирилди, бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши қатъий лимитланди.	Бюджетдан ташқари даромадлар улуши 10–12% гача ошди.
4. Тайёргарлик босқичи	2011–2016	Ислохотлар муҳокамаси, халқаро стандартли янги университетлар ташкил этилди.	WIUT (2002), IUT (2014), TEAM University (2015) фаолияти бошланди.
5. Ислохотларнинг бошланиши	2017–2020	2017–2021 йиллар Ҳаракатлар стратегияси доирасида ислохотлар бошланди, 2030 йилгача	ОТМга қабул 20% га етди [20]. Давлат дастурининг 221-банди [15].

Босқич	Давр	Асосий хусусиятлар	Норматив база / натижалар
		Концепция қабул қилинди (ПФ-5847, 2019).	
6. Синов босқичи	2021– 2023	35 та етакчи университетга молиявий мустақиллик берилди (ПҚ-61, 24.12.2021), кредит-модул tizimiga ўтиш бошланди.	Қамров 38–39% [20]. Бюджетдан ташқари даромадлар улуши 30– 35% га ошди.
7. Масштабланиш ва институционализация	2024 – ҳозирги кунгача	Рўйхатни кенгайтириш, бюджет ва Фуқаролик кодексларига ўзгартиришлар киритилди, кузатув кенгашлари ваколатлари кучайтирилди.	Бюджетдан ташқари даромадлар улуши 45% га етди [20].

Учинчи босқич (2021–2023) бурилиш нуқтасини ташкил этади: 2022 йил январь ойидан бошлаб энг истиқболли 35 та университетга мустақиллик бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон олий таълим тизимида янги даврнинг бошланишини белгилаб берди. Мазкур 35 та университетда 2023 йил якунига кўра бюджетдан ташқари даромадларнинг ўртача улуши 42 фоизни ташкил этди, бу умумий республика кўрсаткичидан (38 фоиз) юқоридир. Айни пайтда халқаро тадқиқотларда таъкидланганидек, ушбу босқичда таълимни тижоратлаштириш ва ижтимоий заиф гуруҳлар учун имкониятларнинг пасайиши билан боғлиқ хавфлар ҳам пайдо бўлди. Тўртинчи босқичда (2024 – ҳозирги кунгача) стратегик молиявий бошқарув, васийлик фондлари ва университет-саноат ҳамкорлиги устувор вазифага айланган бўлиб, бу жараён Triple Helix модели ва Entrepreneurial University назариялари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилмоқда [5; 7].

«Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ тушуниш учун бошқа моделлар билан қиёсий таҳлил ўтказилди (4-жадвал). Жадвалдан кўринадики, Ўзбекистонда шаклланган модель гибрид хусусиятга эга: у постсовет тизимидан кадрлар тайёрлаш учун кафолатланган давлат маблағларини мерос қилиб олади, шу билан бирга Инглиз-саксон ва континентал моделлардан даромадларни диверсификация қилиш, кузатув кенгашлари ва натижаларга асосланган бюджетлаштириш воситаларини қарзга олади.

4-жадвал

Давлат университетлари молиявий автономияси моделларининг қиёсий таҳлили

Мезон	Постсовет модели	Инглиз-саксон модели	Континентал модели	Ўзбек модели
Молиялаштириш манбалари	Биринчи навбатда давлат бюджети. Бюджетдан ташқари маблағлар	Кўп каналли: тўловлар, хайрия, грантлар	Аралаш: глобал бюджет + грантлар + тўловлар	Давлат буюртмаси + бюджетдан ташқари даромадлар (45%)

Мезон	Постсовет модели	Инглиз-саксон модели	Континентал модели	Ўзбек модели
	иккинчи даражали бўлиб, қатъий назорат қилинади.			
Бюджет маблағларини бошқариш эркинлиги даражаси	Паст. Бюджетнинг ҳар бир моддаси бўйича бажарилиши	Юқори	Ўрта/юқори	Ўртача, ўсиб бормоқда (ПҚ-61 асосида)
Мулк ҳуқуқлари	Операцион бошқарув	Хусусий мулк ҳуқуқи ёки битимлар тузиш имконияти билан кенг операцион бошқарув ҳуқуқи	Операцион бошқарув ҳуқуқи, кўпинча ижарага олиш ва ҳамкорлик шартномаларини тузиш имконияти билан	Кенгайтирилган имкониятлар билан операцион бошқарув ҳуқуқи. Кичик бизнесни ижарага бериш ва ташкил этиш ҳуқуқи таъминланган (Фуқаролик кодексига ўзгартиришлар)
Манфаатдор томонлар иштироки	Минимал. Расмий маслаҳат	Васийлик кенгашлари	Давлат, бизнес, ўқитувчилар ва талабалар иштирокидаги кузатув кенгашлари	Стратегияни тасдиқлаш ва молиявий назоратни ўз ичига олган кенг ваколатларга эга Кузатув кенгашларини жорий этиш
Давлатнинг роли	Тўлиқ давлат	Стратегик тартибга солиш	Натижалар шартномаси	Маъмуриятдан стратегик тартибга солиш ва мониторингга ўтиш

- 4-жадвалдаги баҳолар қуйидаги норматив ҳужжатлар ва кўрсаткичларга асосланган:
- «Молиялаштириш манбалари» бўйича – 2024 йилда бюджетдан ташқари даромадлар улуши 45% га етганлиги [20];

- «Бошқарув эркинлиги» бўйича – ПҚ-61-сон қарорда 35 та университетга берилган ваколатлар рўйхати [3];
- «Мулк ҳуқуқлари» бўйича – Фуқаролик кодексига 2023–2024 йилларда киритилган ўзгартиришлар;
- «Кузатув кенгашлари» бўйича – Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йилги қарори билан кенгаш ваколатлари кенгайтирилган.

Тадқиқотнинг асосий гипотезасини текшириш мақсадида 2017–2025 йиллардаги давлат олий таълим муассасалари даромад тузилмаси динамикаси таҳлил қилинди. 5-жадвалда ушбу кўрсаткичларнинг йиллар бўйича ўзгариши келтирилган.

5-жадвал

**Ўзбекистон давлат ОТМлари даромад тузилмаси динамикаси
(2017–2025), %**

Даромад манбалари	2017	2019	2021	2023	2025 (прогноз)
Давлат бюджети (бюджетма)	82	78	72	60	50
Таълим тўловлари (контракт)	14	17	22	30	35
Илмий-тадқиқот ва инновациялар	2	3	4	7	10
Хайрия ва эндаумент	0.5	0.8	1.0	1.5	3
Бошқа бюджетдан ташқари манбалар	1.5	1.2	1.0	1.5	2
Бюджетдан ташқари даромадлар улуши	18	22	28	40	50

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2017 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда бюджетдан ташқари даромадлар улуши 18 фоиздан 50 фоизга ошган. Айниқса, 2021–2023 йиллардаги ўсиш суръати (йигирма тўрт фоиздан қирқ фоизга) ислохотларнинг самарадорлигини кўрсатади. Шу билан бирга, илмий-тадқиқот ва инновациялардан олинадиган даромадлар улуши ҳали ҳам пастлигича қолмоқда (10 фоиз), бу технология трансфери марказларини ташкил этиш ва спин-офф компанияларни ривожлантириш заруратини кўрсатади.

«Масштабланиш ва институционализация» босқичида концепцияни тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар аниқланди:

1) Молиявий автономиянинг тўлиқ эмаслиги – ғазначилик назорати элементлари сақланиб қолмоқда, бу университетларни, айниқса тадқиқот фаолияти учун муҳим бўлган ишларни олдиндан молиялаштиришда самарали қарор қабул қилиш имкониятидан маҳрум қилади. 2024 йилдаги сўровнома натижаларига кўра, молиявий автономия берилган 35 та университетнинг 68 фоизи ғазначиликнинг олдиндан назоратини асосий тўсиқ деб ҳисоблайди.

2) Тижоратлаштириш хавфи ва кириш имкониятининг пасайиши – ўқиш тўловларининг асоссиз ошиши ва кам таъминланган оилалардан талабалар қабулининг камайиши хавфи. 2023 йилда контракт тўловларининг ўртача ошиши 12 фоизни ташкил этди, бу инфляциядан юқоридир.

3) Кузатув кенгашлари институтининг заифлиги – кузатув кенгашларининг молиявий бошқарувдаги реал таъсири ҳали чекланган. Кенгашлар таркибида бизнес вакиллари ва мустақил экспертлар етарли эмас (ўртача 2–3 киши, керакли 5–7 киши).

4) Малакали кадрлар етишмаслиги – университет раҳбарияти бозор иқтисодиёти шароитида молиявий бошқарув тажрибасига тўлиқ эга эмас, стратегик молиявий бошқарув ва лойиҳаларни бошқариш соҳаларида кенг қамровли қайта тайёргарлик талаб этилади.

5) Технология трансфери ва тижоратлаштириш механизмларининг ривожланмаганлиги – илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва лицензиялаш механизмлари суств.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. «Молиявий жиҳатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси» тушунчаси таълимни оммавийлаштириш, янги давлат бошқаруви тамойиллари ва билим иқтисодиётига ўтиш таъсирида университетлар эволюциясида мантикий қадам ҳисобланади; «уч томонлама спирал» ва «тадбиркорлик университети» тушунчалари унинг назарий асосини ташкил этади [5; 7].

2. Ўзбекистон шароитида молиявий жиҳатдан мустақил давлат олий таълим муассасаси – кенгайтирилган иқтисодий мустақилликка, диверсификацияланган даромад тузилмасига ва асосий давлат молиялаштириши ҳамда стратегик назоратини сақлаган ҳолда фаолият натижалари учун жавобгарликка эга махсус турдаги давлат муассасаси сифатида тушунилиши керак.

3. Ўзбекистондаги университетлар учун молиявий мустақилликнинг ривожланиши етти босқичдан ўтди: мустақилликнинг дастлабки йиллари (1991–1996), қонунчий асоснинг яратилиши (1997–2000), тартибга солинган молиялаштириш даври (2001–2010), тайёргарлик босқичи (2011–2016), ислохотларнинг бошланиши (2017–2020), синов босқичи (2021–2023) ва масштаблаш ҳамда институционализация босқичи (2024 йилдан бери). ПҚ-61 қарори билан боғлиқ олтинчи босқич «тарихий» бурилиш нуқтасига айланди.

4. Молиявий автономиянинг ривожланаётган ўзбек модели гибрид хусусиятга эга бўлиб, давлат харидлари учун кафолатланган бюджет маблағларини бозор воситалари билан бирлаштиради ҳамда постсовет, инглиз-саксон ва континентал моделлар элементларини миллий шароитларга мослаштирган ҳолда синтез қилади.

5. Концепцияни амалга ошириш бир қатор қарама-қаршиликларга дуч келмоқда: қолдиқ ғазначилик назорати туфайли тўлиқ бўлмаган автономия, тижоратлаштириш хавфи, кузатув кенгашларининг ривожланмаганлиги, малакали кадрлар етишмаслиги ва технология трансфери механизмларининг йўқлиги.

6. Статистик таҳлил шуни кўрсатдики, 2017–2025 йилларда бюджетдан ташқари даромадлар улуши 18 фоиздан 50 фоизга ошган, бироқ илмий-тадқиқот ва инновациялардан олинadиган даромадлар улуши атиги 10 фоизни ташкил этади, бу соҳада жиддий салоҳият мавжудлигини ва унинг етарлича ишлатилмаётганлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2022. – 21 декабрь. – № 273 (8335). – Б. 1–3.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. № ПФ-5847, 08.10.2019 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-61-сон, 24.12.2021 й.

4. UNESCO. Global Education Monitoring Report 2023: Technology in education – A tool on whose terms? – Paris: UNESCO Publishing, 2023. – 536 p.
5. Clark B.R. Creating Entrepreneurial Universities: Organizational Pathways of Transformation. – Oxford: IAU Press / Pergamon, 1998. – 163 p.
6. Clark B.R. The Entrepreneurial University: New Foundations for Collegiality, Autonomy, and Achievement // Higher Education Management and Policy. – 2004. – Vol. 16, No. 3. – P. 9–24.
7. Etzkowitz H., Leydesdorff L. The Triple Helix – University-Industry-Government Relations: A Laboratory for Knowledge Based Economic Development // EASST Review. – 1995. – Vol. 14, No. 1. – P. 14–19.
8. Etzkowitz H., Leydesdorff L. The Dynamics of Innovation: From National Systems and "Mode 2" to a Triple Helix of University-Industry-Government Relations // Research Policy. – 2000. – Vol. 29, No. 2. – P. 109–123.
9. Wissema J.G. Towards the Third Generation University: Managing the University in Transition. – Cheltenham: Edward Elgar Publishing, 2009. – 252 p.
10. Salmi J. The Challenge of Establishing World-Class Universities. – Washington, D.C.: The World Bank, 2009. – 132 p.
11. Bennetot Pruvot E., Estermann T. University Autonomy in Europe III: The Scorecard 2017. – Brussels: European University Association, 2017. – 72 p.
12. Абанкина И.В. Финансирование образования: в поисках прозрачных механизмов // Стандарты и мониторинг в образовании. – 2002. – № 5–6. – С. 4–8.
13. Абанкина Т.В. Эндаумент. Комментарии к Федеральному закону «О порядке формирования и использования целевого капитала некоммерческих организаций» // Вести образования. – 2007. – № 7 (79). – С. 2–12.
14. Квашин А.Д. Совершенствование финансового механизма автономных учреждений высшего образования в России: дис. ... канд. экон. наук. – Москва: РУДН, 2024. – 185 с.
15. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастури // 221-банд. – 17.01.2019 й.
16. Jumakulov Z.I. Foreign Experiences of Organizing Financial Independence of Higher Education Institutions // American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Vol. 5, No. 11. – P. 62–65.
17. Ҳайитов О.Т. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг замонавий механизмлари // Иқтисод ва таълим. – 2023. – № 4. – Б. 45–52.
18. Зокиров Ш.Ш. Ўзбекистонда олий таълим ислохотлари: молиявий автономияга ўтиш муаммолари // Молия ва банк иши. – 2024. – № 1. – Б. 33–40.
19. Қўзибоев М.М. Давлат университетларида молиявий бошқарувни такомиллаштириш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2023. – № 6. – Б. 112–120.
20. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги статистик маълумотлари [Электрон ресурс]. – URL: <https://stat.uz/> (мурожаат санаси: 12.05.2025).
21. Pandey I.M. Governance of higher education institutes // Vikalpa: The Journal for Decision Makers. – 2004. – Vol. 29, No. 2. – P. 79–84.
22. Hills G. Who owns the universities? The battle for university independence and against the dependency culture // Economic Affairs. – 1990. – Vol. 10, No. 3. – P. 12–17.
23. Beloff M. The Independent University // Education + Training. – 1974. – Vol. 16, No. 6. – P. 124–128.